O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 17 ноябрь, № 223 (4886) Сешанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИКДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,12 баравар оширилсин.

2. 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 37 680 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 74 660 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 37 680 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 74 660 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 45 220 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Белгилансинки, 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб барча турдаги пенсияларнинг ўртача 1,12 баравар оширилиши уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қайта ҳисоблаб чиқилишини инобатга олган ҳолда амалга оширилади, бунда 1991 йилнинг 1 январигача ва ундан кейинги йилларда тайинланган пенсияларнинг миқдори тенглаштирилиши назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ўн кун муддатда пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда барча турдаги пенсияларни оширишнинг аниқ миқдорларини белгиласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 8 июлдаги ПФ-4119-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 16 ноябрь

# ЮКСАЛИШНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

***Бугун мамлакатимизда иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва корхоналарини техник ҳамда технологик янгилаш, уларни замонавий ускуналар билан таъминлаш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш борасида кенг миқёсли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.***



Айниқса, Юртбошимиз бошчилигида Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилгани ҳамда ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани бу борада муҳим аҳамият касб этаяпти. Пировардида бундай саъй-ҳаракатлар мамлакатимиздаги етакчи саноат корхоналарининг барқарор ишлашини таъминлаб, ички ва ташқи бозорни

**Ислоҳот**

"Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғаси туширилган маҳсулотлар билан бойитмоқда.

Бундан уч йил муқаддам ўз фаолиятини бошлаган Қўнғирот сода заводи ҳам барқарор натижаларга эришаётган корхоналардан бири саналади. Дарҳақиқат, йилига 100 минг тонна кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур заводнинг саноатимизни ривожлантиришдаги ўрни ниҳоятда катта. Мутахассисларнинг фикрича, Марказий Осиёда ягона ҳисобланган мазкур мажмуа ишлаб чиқараётган сода маҳсулоти юқори сифатга эга.

(Давоми 2-бетда).

## МИКРОМОЛИЯЛАШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ФОРУМ

***Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Банклар ассоциацияси, "Агробанк" очиқ акциядорлик тижорат банки ва Осиё-Тинч океани қишлоқ хўжалик кредити ассоциацияси — АПРАКА томонидан микромолиялаш бўйича миллий форум ташкил этилди.***

Унда Ўзбекистоннинг микромолиялаш соҳасига жалб қилинган тижорат банклари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотларининг етакчи мутахассислари, шунингдек, Ҳиндистон, Таиланд ва АПРАКАга аъзо бошқа давлатларнинг етакчи қишлоқ хўжалик банклари экспертлари иштирок этди. Ушбу ассоциация Осиёнинг 23 мамлакати, шунингдек, Озарбойжон ва Россиядаги 58 банк ҳамда молия муассасаларини ўз ичига олган. "Агробанк" 1997 йилдан буён АПРАКА аъзосидир.

**Анжуман**

Форумда Президент Ислом Каримов томонидан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсирини бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик тармоғини ривожлантириш энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланганитаъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қишлоқда ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, иқтисодиётнинг аграр сектори самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қўшма корхоналарни жадал ташкил этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, қишлоқ аҳолисининг даромади ва турмуш сифатини оширишга қаратилган кенг кўламли давлат дастури қабул қилинди ва амалга оширилмоқда. Қишлоқ қиёфасини ўзгартиришга қаратилган ушбу муҳим давлат дастурини амалга оширишда мамлакатимиз банк тизимининг аграр секторни молиявий қўллаб-қувватлаши алоҳида аҳамият касб этади.

Иқтисодиёт аграр секторини барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни изчил чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига кенг кўламли банк хизматларини кўрсатиш "Агробанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг асосий вазифаларидандир.

Жорий йилда ташкил этилган "Қишлоқ қурилиш банк" қишлоқ аҳоли пунктларини намунавий лойиҳалар бўйича меъморий режалаштириш ва қуриш борасида янги тизимни жорий этишга самарали ҳисса қўшмоқда.

(Давоми 2-бетда).

***Хитой оммавий ахборот воситалари Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши масалаларига алоҳида эътибор беришда давом этмоқда.***

## ХИТОЙ МАТБУОТИДА ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ МАВЗУСИ

Хусусан, мамлакатнинг "Lookwe" журнали Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий йил 9 ойлик якунларига бағишланган мақола эълон қилди. Унда таъкидланишича, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни амалга ошириш доирасида 100 дан ортиқ янги маҳсулот турларининг ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилди, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробарга ошди, 2,6 миллиард АҚШ долларига тенг миқдорда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни импорт қилиш таъминланди. Нашрда "2009 йилнинг 9 ойлик якунларига кўра, 743,5 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди, бу эса ўтган йилдагига нисбатан 36,4 фоизга кўпдир", дея қайд этилади.

**Дунё нигоҳи**

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури 4,7 миллион квадрат метрга тенг ҳудудга якка тартибдаги тураржойлар қуриш, 577 километрлик газ ва 1680,8 километрлик сув ўтказиш тармоқларини барпо этиш имкониятини яратди", дейилади мақолада.

"Жэньминь Жибао" газетасида яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ҳақида эълон қилинган мақолада эса мазкур тадбир натижаларига кўра, 2009 йил пахта ҳосили учун 600 минг тонна ҳажмдаги тўғридан-тўғри экспорт шартномалари ва 2010 йилги пахта ҳосили учун эса 400 минг тонна миқдорига тенг асосий битим имзолангани қайд этилади. Шу ўринда айтиш жоизки, Хитой компаниялари ўзбек пахтасининг асосий харидорларидан бири бўлишган.

Нашр, шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) ижрочи директорлари миссиясининг мамлакатимизга ташрифи якунида берган баёнотига эътибор қаратади. ХВЖ миссияси икки кун мобайнида Ўзбекистонда иқтисодий вазият ва ҳукумат томонидан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этиш борасида амалга оширилаётган чоралар билан танишди. "ХВЖ баёнотида таъкидланадики, "Ўзбекистон ҳукумати жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарур бўлган кўплаб ресурсларни жамлаган ҳолда, жаҳон молия бозорларида оқилона сиёсат олиб борди. Бундай пухта ўйланган сиёсат мамлакатнинг глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсирига самарали қарши тура олишида муҳим омил бўлди", дея қайд этади "Жэньминь Жибао".

Мақолада, шунингдек, Ўзбекистоннинг улкан иқтисодий салоҳиятга эга экани таъкидланади. Сиёсатнинг ўртача муддатга мўлжалланган асосий вазифаси иқтисодий салоҳиятдан аҳоли турмуш даражасини яхшилаш учун фойдаланишдан иборатдир. "Жэньминь Жибао"нинг таъкидлашича, жорий йилнинг ўтган 9 ойида ўсиш кўрсаткичлари ялпи ички маҳсулотда 8, саноат ишлаб чиқаришида 9,1, қишлоқ хўжалигида — 3,3, хизматлар кўрсатишда — 15,8, қурилиш ишларида — 33,5 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети ЯИМга нисбатан 0,2 фоиз миқдорида профицит билан бажарилди, инфляция даражаси кутилган кўрсаткичдан ошмади.

Шунингдек мазкур мақолада "Фаол инвестиция сиёсати ва муҳим лойиҳаларни зудлик билан амалга ошириш капитал маблағлар тушуми ҳажмини 28,3 фоизга, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий сармоялар жалб қилинишининг 2,1 баробарга ошишини таъминлади", дея қайд этилади.

**«Жаҳон» АА.**
Пекин

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

## «Чорсуқурилиш»нинг юксак марралари

***НАМАНГАН. Жорий йил бошида ташкил этилган "Чорсуқурилиш" масъулияти чекланган жамияти қисқа фурсатда вилоят қурилиш бозорида ўз ўрнини эгаллади.***

Корхона бунёдкорлари Наманган шаҳридаги 20 та кўп қаватли тураржой биносини мукаммал таъмирдан чиқариб, қишки мавсумга тайёрладилар. Бунинг учун салкам 400 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

Эндиликда "Чорсуқурилиш" жамияти ходимлари йирик буюртма — Наманган туманининг Қумқўрғон қишлоғида 17 та коттеж типидаги тураржой бунёд этмоқда. Айни пайтга қадар бу ерда қарийб бир миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Махсус лойиҳалар намойиши

***БУХОРО шаҳрида қишлоқ аҳолиси учун якка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган минтақавий кўргазмаси ўтказилмоқда.***

Тадбирда қўшни Навоий, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидан келган меъморлар, ишбилармон доиралар, қатор ишлаб чиқариш корхоналари, сервис хизмати соҳаси вакиллари иштирок этаяпти.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда якка тартибдаги уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолисининг тураржой шароитларини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Президентимизнинг жорий йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриламал бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Қишлоқда замонавий корхона

***ҚАШҚАДАРЁ. Қарши туманидаги Нуқработ қишлоғида қурилиш хом ашёлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "SECO Inc" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.***

Ҳиндистонлик инвестор Анкар Сингх томонидан корхонага 110 минг АҚШ долларилик минитехнологиялар олиб келиб ўрнатилгач, бу ерда мих ва сим маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тез орада корхонада янги технологик линиялар ишга туширилиши билан тайёрланаётган маҳсулотлар тури ҳам кўпаяди.

Нуқработда иш бошлаган дастлабки корхона туфайли 10 киши доимий иш билан таъминланди.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



## Ёшларга янги иш ўринлари

***ФАРҒОНА. Бешариқ туманида навбатдаги меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди.***

Унда 52 та корхона ва ташкилот 155 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Шуниси эътиборлики, ярмаркада жорий йилда касб-ҳунар коллежларини тугатган 76 нафар йигит-қизга ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашишлари учун йўлланма берилди.

Шунингдек, тадбир якунида туман Бандликка кўмаклашиш маркази ходимлари иштирокчиларга меҳнат қонунчилиги бўйича маслаҳатлар бердилар.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

***2009 йилнинг тўққиз ойи давомида мамлакатимизда асосий капиталдаги инвестициялар ҳажми***

**128,3** **фоизга ўсди.**

Ўтган даврда республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари, шунингдек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар дастурининг изчил амалга оширилиши туфайли ушбу йўналишдаги прогноз кўрсаткичлар ошириб бажарилди.






***Истиқлол йилларида мамлакатимизда тинчлик-осойишталик қарор топиб, иқтисодий барқарорликка эришилди ва энг муҳими, жамиятда ижтимоий адолат тамойиллари ўрнатилди. Бунга асосий сабаб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида қабул қилинган, айни пайтда халқимизнинг қадриятлари, маънавий қарашлари, ақл-заковатини ўзида мужассам этган қонунларнинг турмушимизга изчил татбиқ этилаётганлиги, десак, ҳақ гапни айтган бўламиз. Энг асосийси, Президентимиз эътироф этганидек, одамларимизнинг руҳияти ва дунёқараши, ҳаётга, ўз меҳнатининг натижасига муносабати, жаҳонда ва ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси тубдан ўзгармоқда. Дарҳақиқат, Асосий Қонунимиз кучли фуқаролик жамиятини бунёд этиш, жамиятни эркинлаштириш ва демократлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоялаш кафолати бўлиб хизмат қилаётир.***

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Халқимиз онгида юз бераётган сиёсий ва ҳуқуқий ўзгаришлар юртимизда фуқароларнинг давлат бошқарувидаги ролини оширишни тақозо этади. Зеро, бу мақсад-вазифаларни амалга ошириш йўлида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалланинг фаолият кўлами ҳамда ваколатларини кенгайтириш, аҳоли турли қатлам ва гуруҳларининг туб манфаатларини ифодалайдиган ҳамда ҳимоя қиладиган сиёсий ва ижтимоий институтлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ролини кучайтириш масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Умуман, фуқаролик жамиятининг шакл-шамойили дейилганда, жамиятнинг ранг-баранглигини тўлиқ ифода этадиган, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва профессионал ташкилот ва муассасаларни қамраб олган ҳамжамият тушунилади. Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганлигининг ўн олти йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишдаги маърузасида ушбу ҳамжамиятнинг "...асосий мақсад-муддаоси, миллати, дини, ирқи ва жинси, эътиқоди ва қарашларидан қатъи назар, шу давлатда яшаётган ҳар қайси инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш ва ҳаётда уларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун барча имконият ва шароитларни яратиб беришдан иборатдир", дея алоҳида таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамжиҳатлигига эришиш, кўп жиҳатдан, жамиятнинг изчил ва барқарор ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб беради.

Шу боисдан мамлакатимизда истиқлол йилларида фуқаролик жамиятининг ўзига хос миллий институтлари қарор топиши учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги меъёрга мос ҳуқуқий асослар яратилган. Маълумки, Асосий Қонунимизнинг 56-моддасида фуқаролик жамияти институтлари сифатида Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари эътироф этилади. Мамлакатимизда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида", "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси сайлови тўғрисида", "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида", "Сиёсий партиялар тўғрисида", "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилиниши жамият ҳаётида ушбу институтларнинг нуфузини юксалтирди.

Шуни алоҳида эътироф этиш кераки, Юртбошимизнинг бевосита ташаббуслари билан мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг муҳим институти — сиёсий партияларнинг жамиятни модернизация қилиш, мамлакатни эркинлаштириш ва демократлаштиришдаги мавқеи тобора ошиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида Президентимиз сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтлари фаолияти ҳақида тўхталиб, уларнинг муҳим қарорлар қабул қилишдаги роли ва таъсирини кучайтириш, жамиятдаги обрў-эътибори, мавқеини мустаҳкамлаш, давлат ва ҳокимият тузилмалари устидан жамоатчилик назоратининг асосий воситасига айланишига эришиш "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг рўёбга чиқишида муҳим аҳамият касб этишига қатъий ишонч билдирган эди. Бу мақсад, айниқса, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги Қонун ҳамда "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилиниши билан ҳаётда ўз ифодасини топа бошлади. Зеро, ушбу ҳужжатларнинг кучга кириши натижасида, аввало, халқнинг жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий фаоллиги бирмунча ўсди. Шунингдек, ижро этувчи ҳокимиятнинг давлат ички ва ташқи сиёсати билан боғлиқ мақсадли вазифаларни амалга оширишдаги масъулияти ҳамда сиёсий партияларнинг ташаббускорлиги, роли, таъсири кучайди. Ҳокимиятнинг вакиллик ҳамда ижро этувчи органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг фаол иштироки учун ташкилий-ҳуқуқий шароитлар бунёд этилди. Энг муҳими, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимиятининг парламент ҳамда маҳаллий вакиллик органлари олдида ҳисоб беришини таъминлайдиган ҳуқуқий механизм яратилди.

**Менинг Конституциям**

Қолаверса, бу йўналишдаги ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, ўтган йили давлатимиз раҳбари таклифига биноан, Олий Мажлис палаталари томонидан "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун қабул қилинди. Ушбу ҳужжат мамлакатимизда тизимли, изчил ва босқичма-босқич демократик ўзгаришлар жараёни кечаётган, аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти, фуқаролик жамияти институтларининг етуклик даражаси ўсган бир шароитда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, вакиллик органлари фаолиятини шакллантириш ва ташкил этишдаги, уларнинг мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишдаги тутган ўрнини мустаҳкамлашда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилди. Жорий йил 27 декабрь кунига белгиланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайловлар мана шу ўзгартишлардан келиб чиқиб ўтказилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик жамиятини шакллантириш узоқ давом этадиган, узлуксиз ва мураккаб жараёндир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси эса мана шу жараённинг босқичма-босқич рўёбга чиқарилиши кафолати бўлиб, пировардида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ислоҳотларнинг асосий омили бўлиб хизмат қилади.

**Мавжуда РАЖАБОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси.**

Қиш мавсуми:

# ФАОЛИЯТ ИЗЧИЛ, ТАЙЁРГАРЛИК ПУХТА

***Ўлкамизда ҳароратнинг кун сайин пасаяётгани қишнинг совуқ кунлари яқинлигидан огоҳ этмоқда. Дарҳақиқат, табиатнинг инжиқ мавсуми — қиш фасли эшик қоқиб турибди. Унинг ҳар бир куни — синов. Уни беталафот ўтказиш ҳар кимнинг ўзига, бўлажак имтиҳонларга нечоғли пухта ҳозирлик кўрганига боғлиқ.***

Юртимизда қишнинг ғами ёзда кўрилади. Асрлар давомида исботини топган ушбу ақидага амал қилиб келинаётгани туфайли мамлакатимизда, таъбир жоиз бўлса, қиш мавсуми — иш мавсумига айланмоқда. Иқтисодиётимизнинг барча тармоқлари, айниқса, фаолияти қаттиқ ёқилғи билан боғлиқ ишлаб чиқариш корхоналарининг қуввати деярли пасаймаяпти. Шу ўринда жорий қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ишларида Президентимизнинг 2009 йил 23 июндаги "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2009/2010 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Иқтисодиёт тармоқларининг қиш мавсумида тўлиқ қувват билан ишлаши, хонадонларимиз чароғон ва иссиқ бўлиши, муайян маънода, кўмир саноати фаолиятига ҳам боғлиқ. Шу боис давлатимиз томонидан мазкур тармоқни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг кейинги йилларда қабул қилинган Фармон ва қарорлари тизим самарадорлигининг янада ошишида муҳим омил бўлаётир.

**Бугуннинг гапи**

Минг шукрки, ўлкамиз табиий бойликларга, шу жумладан, катта миқдордаги кўмир захирасига эга. Уларни аниқлаш, қазиб олиш жараёнига замонавий техника ва технологиялар жалб этилаётгани туфайли кўмир ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ошиб бормоқда. Бу электр энергияси ҳосил қилиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш сингари иқтисодиётнинг етакчи соҳаларида қаттиқ ёқилғи асосида ишлашни кенгайтираётгани билан янада аҳамиятлидир.

Бугунги кунда республикамизда ишлаб чиқарилаётган кўмир, асосан, "Ангрен", "Шарғун", "Бойсун" конларидан олинмоқда. Мазкур конлардан 2009 йилда жами 3 млн. 650 минг тонна қимматли ёқилғи қазиб олиш мўлжалланган бўлиб, шундан 3 млн. 280 минг тоннаси "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси тасарруфидаги "Ўзбеккўмир" очиқ акциядорлик жамияти томонидан тайёрланади.

Жамият хом ашёнинг асосий қисмини "Ангрен" очиқ кони шахталаридан қазиб олади. Мутахассисларнинг айтишича, ушбу кон йилига 1,5 миллион тонна маҳсулот бериш қувватига эга. Бу ерда таъмирлаш ишлари бажарилиб, юқори унумли техникалар жалб этилаётгани туфайли бу кўрсаткич яқин йиллар ичида янада ошиши кутилаяпти. Негаки, ўзбек кўмирига бугун нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам талаб ортмоқда. Айниқса, "Шарғункўмир" ОАЖ маҳсулотларига харидорлар кўп. Жорий йилда бир қанча хорижий давлатлар жами 60 минг тонна кўмир сотиб олиш истагини билдирган. Бу кўрсаткич кейинги йилда 400 минг тоннага етказилиши мўлжалланмоқда.

*Президентимизнинг 2009 йил 12 мартдаги "2009 — 2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори, айтиш мумкинки, кўмир саноатида янги уфқларни очиб берди. Тармоқда ишлаб чиқариш тубдан янгиланиши, ўз навбатида, кимё, қурилиш саноатларининг янада тараққий этишига ҳам хизмат қилмоқда. Гап шундаки, олинаётган рудадан қимматбаҳо хом ашёлар ажратиб олиниб, импорт ўрнини босувчи ноанъанавий маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилаяпти.*

Жамият мутахассисларининг таъкидлашича, модернизация қилиш ишлари икки босқичда амалга оширилмоқда. Бу мақсадларга жами 1215,4 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилиши белгиланган. Айни пайтда технологик янгилашнинг 2009-2010 йилларга мўлжалланган дастлабки босқичи жадал рўёбга чиқарилаяпти. Аниқроғи, 184,4 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ эвазига "Ангрен" кони, тоғ технологиялари ускуналарини таъмирлаш заводи, "Шарғункўмир" ОАЖ ва "Апартак" ЁАЖни технологик янгилаш ишлари бажарилаётир. Бундан кўзланган асосий мақсад иссиқлик электр станцияларига кўмир етказиб бериш ҳажмини кўпайтириш, иқтисодиётимизнинг бошқа тармоқлари ва юртимиз аҳолисининг қаттиқ ёқилғига бўлган эҳтиёжини таъминлаш ҳамда тизимда экспорт салоҳиятини юксалтиришдир.

Технологик янгиланишлар янги турдаги саноат моллари ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга катта туртки бераётганини ҳам айтиб ўтиш ўринлидир. Масалан, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ушбу йўналишда 2008 йилда 750 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, жорий йил охиригача бу кўрсаткич икки баравар ошиб, 1,5 миллиард сўмга етказилиши кутилмоқда.

Энг муҳими, Модернизациялаш дастури шарофати натижасида "Ангрен" конининг қуввати бир неча баробарга ортади. Яъни, бу ерда 2012 йилда 6,4 миллион, 2014 йилда эса 8,8 миллион тонна кўмир қазиб олишга эришилади. Бу Ангрен ИЭСнинг қаттиқ ёқилғига бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш имконини беради.

Ҳозирги кунда "Ўзбеккўмир" ОАЖ жамоаси Президентимизнинг тегишли қарори талаблари асосида қишки мавсумга тайёргарлик ишларини тобора жадаллаштирмоқда. Асосий мақсад иқтисодиёт тармоқлари ва юртимиз аҳолисига белгиланган миқдордаги кўмир ёқилғисини етказиб беришдир. Мавжуд имкониятлар бунинг уддасидан бемалол чиқиш мумкинлигини кўрсатаётир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Туманимиздаги Паноб қишлоғида барпо этилаётган замонавий уй-жойлар лойиҳаси кўргазма иштирокчиларида, айниқса, катта қизиқиш уйғотмоқда, — дейди Вобкент тумани бош меъмори Азамат Азизов. — Лойиҳада маҳаллий шарт-шароитлар тўла ҳисобга олинган.

## Махсус лойиҳалар намойиши

Ҳозир объектда қурилиш ишлари қизғин давом этмоқда. "Вобкент бунёдкор таъмир" масъулияти чекланган жамияти бинокорлари томонидан дастлабки 20 та уй-жой декабрь ойи охирида фойдаланишга топширилади. Панобда жами етмишта шундай иморат қурилади. Дарвоқе, кўргазмада яна йигирмата уй-жой қуришга буюртма қабул қилаяпмиз.

Тадбирда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам фаол иштирок этмоқда. "Навоий пенобетон" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси ана шуларнинг бири.

— Маҳаллий хом ашё — цемент, қум ва кўпик концентрат аралашмасидан қурилишбоп материал — пенобетон ишлаб чиқараяпмиз, — дейди корхона мутахассиси Камолиддин Қодиров. — Етти хил ўлчамдаги бу маҳсулотга қурилиш ташкилотлари ва якка тартибда уй қурувчи фуқаролар катта қизиқиш билан қарашаяпти. Маҳсулотимиз маҳаллий иқлим шароитига мос ва нисбатан арзонлиги боис, кўргазма қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Тадбирда бу каби корхоналарнинг қурилиш ташкилотлари учун мўлжаллаб чиқараётган ўнлаб турдаги маҳсулотлари намойиш этилаяпти.

Кўргазма 18 ноябрь куни ўз ишини якунлайди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЮКСАЛИШНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлатимиз томонидан корхона фаолиятининг изчил қўллаб-қувватланаётгани натижасида маҳсулот ҳажми йил сайин ошиб бораётир. Жумладан, бу ерда 2007 йилда 46 минг 653 тонна кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқарилган бўлса, 2008 йилга келиб, бу кўрсаткич 71 минг 31 тоннага етди. Жорий йилдаги марралар янада юксак: завод жамоаси йил охиригача 75 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирган.

Қувонарлиси, корхона маҳсулотига хорижда ҳам талаб ортиб бораяпти. Ўтган даврда 23 минг 160 тонна, яъни 4,14 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот Россия Федерацияси ва қўшни давлатларга экспорт қилингани сўзимиз тасдиғидир. Жорий йил якунига қадар яна 3 минг тонна маҳсулот хорижлик харидорларга етказиб берилиши кўзда тутилган.

Бундай ютуқлар, ўз навбатида, халқаро миқёсда муносиб эътироф этилаётир. Хусусан, Қўнғирот сода заводи ўтган йили "XXI аср етакчилари" халқаро дастурининг илмий-эксперт кенгаши қарорига кўра, "Олтин Ягуар" халқаро мукофотига сазовор бўлди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** корхона ҳаётидан лавҳалар.

**Ҳ. ПАЙДОЕВ олган суратлар.**



# МИКРОМОЛИЯЛАШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ФОРУМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу билан бирга, республикамиз тижорат банклари ва микрокредит ташкилотлари қишлоқ аҳолисига кенг кўламли микромолиялаш хизматларини кўрсатмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ва АПРАКАга аъзо давлатларда аграр секторда микромолиялаш фаолиятини ривожлантириш истиқболлари, ушбу соҳада инновация технологияларини жорий этиш масалалари бўйича тажриба ҳамда фикр алмашилди. Амалий мулоқот давомида Ўзбекистонда микромолиялаш соҳасини жадал ривожлантириш кузатилаётгани қайд этилди. Мамлакатимизда тегишли ҳуқуқий база яратилган, "Микромолиялаш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган, "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки фаолият юритмоқда. 170 дан ортиқ микрокредит ташкилоти — кредит уюшмалари, микромолиялаш ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Микромолиялаш ташкилотлари сонининг кўпайиши, микрокредит ва микролизинг бўйича ставкаларнинг пасайиши туфайли кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни кредит билан таъминлаш ҳажми, ялпи ички маҳсулотда унинг улуши кўпаймоқда.

Форумда сўзга чиққанлар мамлакатимизнинг олис қишлоқ ҳудудларида микромолиялаш хизматлари кўлами кенгайганини таъкидлади. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигини молиялаш самарадорлигини оширади, юридик ва жисмоний шахсларнинг молия хизматларидан фойдаланишини осонлаштиради. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг ўринбосари Шуҳрат Ҳайдаров, Банклар ассоциацияси бош директори Сайдулло Абдуллаев, "Агробанк" бошқаруви раиси, АПРАКА ассоциацияси вице-президенти Абдураҳмат Боймуродов ва бошқалар шу ҳақда гапирди.

АПРАКА бош котиби Бенедикто Байауа Ўзбекистонда микромолиялаш секторининг ривожини юксак баҳолади ва бу аҳоли фаол қисмининг ўз бизнесини бошлаши учун қулай шарт-шароит яратишини таъкидлади.

Банк ва молия институтлари билан халқаро ҳамкорликни кучайтириш мамлакатимиз тижорат банкларининг халқаро майдондаги нуфузини янада оширади ва уларни ривожланишнинг янги босқичига олиб чиқади.

**В. РУДАКОВА,**
**ЎзА мухбири.**

***Мамлакатимизда жорий йилнинг тўққиз ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига кўра, кичик корхоналар сони 5,9 фоизга кўпайиб, уларнинг саноатдаги улуши 16,6 фоизни, экспортдаги ҳиссаси 13,9 фоизни ташкил этди. Бугунги кунда бу соҳада иш билан банд аҳолининг 73,8 фоизи меҳнат қилаётгани, айниқса, эътиборга моликдир. Буларнинг бари юртимизда кичик бизнес иқтисодий тараққиётнинг таянчига айланаётганидан далолат беради.***

# КИЧИК БИЗНЕС — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Шулар ҳақида ўйларканман, ногаҳон Қизириқ туманида ўзим гувоҳ бўлган бир воқеа ёдимга тушди.

... Ёш йигит, икки фарзанднинг отаси Хуррам Лолаев иш қидириб Тошкент шаҳрига отланмоқчи бўлиб турганида, "Шодлик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Очил Қосимов унга "Колбаса ишлаб чиқарадиган цех очдик. Ишлайсан, ойлик маошинг 150 минг сўмдан кам бўлмайди", деб қолди.

Хуррамнинг "Цехда ишлашга укувим йўқ" қабилидаги баҳонасига Илҳом исмли йигит шундай жавоб қилди: "Икки ой Самарқанд шаҳрида бўлиб, машина-ускуналарни ишлатишни ўрганиб келдим. Ёнимда турсанг, бас, ҳаммасини эплаймиз".

Мана, салкам бир йилдирки, Хуррамнинг кайфияти аъло. Ҳамкасбларининг ҳаммаси ёшлар: Ғофир, Тўра, Анвар... Рўзғорига ҳам барака кириб қолди. Бундан, айниқса, оиласи хурсанд.

— Очиғи, цехни "катта харажатларимизни қопламикан" деган шубҳа остида очгандик, — дейди хусусий корхона раҳбари Очил Қосимов. — Йўқ. Тайёрлаётган маҳсулотинг сифатли бўлса, харидор топилар экан. Ҳозир кўплаб туманларда доимий мижозларимиз бор. Истеъмолчиларнинг талабларини ҳисобга олиб, ишлаб чиқариш ҳажмини янада кўпайтирмоқчимиз. Шунда қўшимча бир нечта янги иш ўрни очилади.

Қишлоқдаги бу корхонанинг ишлари, ростдан ҳам, бароридан келган. Қайнатилган, ярим дудланган, дудланган колбасалар, жами 8 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда.

**Жараён**

— Иқтисодий ислоҳотлар "Ишлайман" деганнинг кўнглига рағбат, билагига куч-қувват бахш этмоқда, — дейди Наврўз маҳалласи фуқароси Бахтиёр Бобоқулов. — Фермер хўжалигимизни асаларичиликка ихтисослаштирганмиз. Ҳозирда қарийб 500 оила асаларини боқаяпмиз. Йигирма-йигирма беш киши иш билан банд.

Дарҳақиқат, бугун ҳаракат қилган одамга ҳар қадамда иш топилади. Масалан, шу маҳаллада яшовчи Баҳодир Шопўлатов ва Абрамат Тўраев банкдан кредит олиб, балиқчилик хўжалигини ташкил этди. Хусусий тадбиркор Оллаёр Нурматов товуқлар сонини 5000 тага етказмоқчи. Ёки бўлмаса, Янгиобод маҳалласида яшовчи Ҳадича Мелибоеванинг фаолиятини олиб кўрайлик. Иссиқхонаси бор — қишин-ёзин бозорга кўкат-сабзавот чиқаради. Цехлари бор — бутун қишлоқ аҳли макаронни шу тадбиркордан харид қилади. Қўни-қўшни аёллар эса опанинг тикиш цехида чеварчилик, чопон, кўрпа-ёстиқ тикишни ўрганмоқдалар.

Кўриниб турибдики, Қизириқ туманида ҳам кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу кеча-кундузда бу ерда 2000 га яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият юритаётгани бунинг тасдиғидир. Хусусан, уларнинг фаолияти кўпроқ ишлаб чиқариш соҳаларига йўналтирилаётгани айни муддао бўлмоқда. Жумладан, "Қизириқ" савдо-ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси технологик жараённи модернизациялашни мўлжаллаб, 70 миллион сўмлик истиқболли технологияни харид қилди. Якка тартибдаги тадбиркор Кумуш Эшонқулова чиқинди ашёларидан томёпқич ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш тараддудини кўраётган бўлса, Абдимўмин Қулматов маъданли сувни қадоқлаб, сотувга чиқариш пайида бўлмоқда.

Бу хайрли ишларга маҳалла фуқаролар йиғинлари, хонадонлар бош қўшаётгани янада ибратлидир. Мисол учун, Истиқлол маҳалласи оқсоқоли Нортожи Сатторов ҳашар усулида ташландиқ жойда бичиш-тикиш цехини очди. 40 та тикув машинасини харид қилиб, элликта иш ўрни яратди. Янги турмуш маҳалласида ташкил этилган цехда ҳам қирқ нафар чевар ишламоқда.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида, шунингдек, тумандаги ўттизта маҳалланинг ҳар бирида гузарлар қурилиб, хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича қўшимча ўнтадан иш ўрни яратиш мўлжалланган эди. Айни кунларда барча маҳаллаларда дурадгорлик, темирчилик, тунукасозлик устахоналари ишлаб турибди, касаначилар сафи эса тобора кенгаймоқда. Бу юмушларга, биринчи навбатда, ёш йигит-қизларнинг жалб этилгани эътиборга сазовордир. Шу тариқа, қишлоқлар обод бўлиб, оилалар турмуши фаровонлашиб бормоқда.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Китобни руҳият озиғига, инсон маънавиятининг ажралмас қисмига, таълим-тарбиянинг асосий воситасига, умуман, башариятнинг қадриятлари, билим ва тажрибаларини ўзида жамлаган битмас-туганмас хазинага қиёслашади. Зеро, китобнинг жамият, давр ва замон тараққиётида тутган ўрни ниҳоятда мислсиз.**

# МАЪРИФАТ ВА МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

*Бугун китоб деганда жаҳон китобат санъати ваноширчилик саноати деган тушунчалар бир-бирига уйғунлашган ҳолда янграмоқда. Чунончи, яқинда Германиянинг Франкфурт-Майн шаҳрида бўлиб ўтган 61-Халқаро китоб ярмаркасида 125 мамлакатдан 17 минг нашриёт компаниялари ўз маҳсулотларини намойиш этгани бу соҳанинг барқарор ривожланиб бораётганини тасдиқлади.*

*Айтиш жоизки, республикамизнинг Матбуот ва ахборот агентлиги тизимида фаолият кўрсатаётган бир қатор нашриётлар ўз китоблари ва турли матбаа маҳсулотлари билан ушбу нуфузли кўргазмада муносиб иштирок этишди.*

*Мухбиримиз "Маънавият" нашриёти директори Суннатилла АҲМЕДОВ билан кўргазма таассуротлари, ноширчилигимизнинг бугунги куни, истиқлол йилларида соҳада амалга оширилган ислоҳотлар, нашриёт фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари хусусида суҳбатлашди.*

— Нашриётимиз Юртбошимизнинг бевосита ташаббуслари билан кўпгина маънавий ва маърифий ташкилотлар қаторида 1996 йилда ташкил этилган, — дейди Суннатилла Аҳмедов. — Маълумки, мамлакатимиз Мустақилликка эришганидан сўнг, биринчи навбатда, маънавий-маърифий тикланиш йўлини тутди. Жумладан, бебаҳо бадиий ва илмий меросимизни ўрганиш, ундан халқимизни баҳраманд этиш мақсадида минглаб асарларни нашрга тайёрлаш ва чоп этишга киришилди. Ўз навбатида, мана шу ҳол миллий ноширчилигимизнинг такомиллашиш даврида муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, биз ҳам маънавиятимиз тарихида ўчмас из қолдирган маърифатпарварларимиз асарларига алоҳида эътибор қаратдик. "Истиқлол қаҳрамонлари" рукнида Беҳбудий, Фитрат, Ибрат, Хондайлиқий ва бошқа кўплаб маърифатпарвар алломаларимиз асарларини нашр этдик. "Фикр ва зикр", "Мозийдан садо", "Жаҳон адабиёти дурдоналари", "Хотира", "Бадиият" каби рукнлар ташкил қилиниб, 100 дан зиёд туркум китоблар нашрга тайёрланди ва сифатли чоп этилди. Агар ўн уч йиллик меҳнатимизни сарҳисоб қиладиган бўлсак, шу пайтга қадар нашриётимиз томонидан 500 номланишдаги китоб нашрга тайёрланиб, босмадан чиқарилди. Бу кўрсаткич, балки камтаронадир. Зеро, имкониятларимиздан янада кенгроқ фойдаланиш, маънавий-мафкуравий нашрлар кўламини замон талабига мос равишда кенгайтириш ҳозирги вазифаларимиздан саналади.

*— Истиқлол ноширчилигининг ривожига катта туртки берди. Айни пайтда юртимизда 100 га яқин давлат, нодавлат, жамоатчилик, хусусий нашриётлар фаолият кўрсатаяпти.*

— Илгари режаларимиз ҳам, истакларимиз ҳам назорат қилинарди. Ташаббус кўрсатиб ишлаб бўлмасди. Бадиий, фалсафий, илмий меросимиз дурдоналарини

**Таассурот**

чоп этиш учун бир қатор идораларнинг рухсати керак эди. Ачинарлиси, Навоийдан тортиб Огаҳий асарларигача тафтишдан ўтарди. Уларнинг китоблари узуқ-юлуқ ҳолда, тузум қайчиси остида чоп этиларди. Нашриёт тизимининг ҳуқуқий базаси яратилмаган, унинг вазифалари ишлаб чиқаришдан узилган, китобхон талаб-истаги эътиборга олинмаган ҳолда ғоявийлаштирилган эди. Бугун-чи? Нашриёт ўз йўналишида мустақил ҳаракатланади, қандайдир пуч ғоялар тиқиштирилган китобларни нашр этиш билан эмас, миллатимиз маънавиятига, халқимиз тафаккурига, фарзандларимиз истиқболига хизмат қиладиган асарларни чоп этиш билан шуғулланади.

Биласиз, ҳозир юксак технологиялар асри. Интернет орқали исталган кутубхона сайтига кириш учун лаҳзалар кифоя. Кўриниб турибдики, эндиликда нафақат радио, телевидение, балки интернет ҳам ўқувчи эътибори учун баҳсга киришган. Ана шу жараёнда янгича иш услубларига ўтиш, бу борада жаҳон тажрибасига суяниш, нашриёт ва китобхон ўртасидаги муносабатларни фаоллаштириш талаб этилади. Биз тажриба тариқасида хорижлик ноширлар қўллаган иш услубини икки йилдан буён қўллаб келаяпмиз. Хусусан, у ёки бу асар, мавзусига қараб, ихтисослашган гуруҳларга тегишли шартнома асосида нашрга тайёрлаш учун берилади. Гуруҳ таркибида муҳаррир, компьютер оператори, мусаҳҳиҳ, дизайнер мавжуд. Мумтоз адабиётимизга оид асар бўлса, матншунослар, шарқшунослар иш жараёнига жалб қилинади. Мустақил асар бўлса, муаллиф иштирокида таҳрир ва безак ишлари бажарилади. Очиғи, бу услуб китобларимизнинг бадиий савиясига ҳам, унинг ташқи кўринишига ҳам ижобий таъсир кўрсатаяпти. Эътиборлиси, матбаа соҳасида сифат жиҳатидан яхши натижаларга эришилди. Буни китобларимизнинг кўриниши яхшиланганидан, унинг безакларидаги ранглар тиниқлашганидан билиш мумкин.

Шунингдек, китоб менежменти оқилона йўлга қўйилганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Юқорида зикр этилган халқаро ярмаркада европалик ноширлар билан суҳбатлашганимизда, улар китоб муаллифларини ёки ижодий гуруҳни китоб дўконларида мунтазам ўтказиладиган тақдимотларга таклиф этишлари яхши самара бераётганини таъкидлашди. Шунингдек, улар янги китобнинг мазмун-мундарижаси ва муаллиф расми акс этган плакатлардан ҳам кенг фойдаланишаркан. Менимча, бизда ҳам шундай учрашувларни йўлга қўйиш ўзини оқлайди, китобхон ва нашриёт ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлайди.

*— Сиз кўпгина халқаро китоб ярмаркаларида иштирок этгансиз. Айтинг-чи, бизнинг китобларимиз хорижлик ноширларда қандай қизиқиш уйғотаяпти?*

— Масалан, немис ҳамкасбларимиз мумтоз меросимизга доир асарларни тўлиқ чоп этиш ниятидалар. Улар Шарқ маданияти тарихида энг гўзал ва дурдона асарлар яратган етук адибларимизга қизиқишади. Фалсафа, тиббиёт, ўлкашунослик, халқ оғзаки ижоди, мумтоз шеъриятимизга эътиборлари бошқача. Замонавий адабиётимиз вакилларини ҳам яхши билишади, ижодларидан яхшигина хабардор.

— Таъкидлаш лозимки, маънавият тушунчасининг маъно-мазмуни чуқур, илдизи теран. Юртбошимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида шундай ёзадилар: "Маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир". Демак, нашриётимиз ана шундай мазмун-моҳиятга эга маънавиятимиз дурдоналарини нашрга тайёрлаш ва чоп этишда янада астойдил, ташаббус кўрсатиб ишлаши зарур. Зеро, бу эзгу фаолият биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

**Абдували ҚУТБИДДИНОВ суҳбатлашди.**

# БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ ИФТИХОРИ

**Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ ёш авлод иқтидорини юксалтириш, истеъдодли ўғил-қизларни кашф этиш устувор вазифага айланди. Шу маънода билим ва заковат бобида ҳеч кимдан қолишмайдиган зукко фарзандларимизнинг иқтидорини қадрлаш, имкониятларини юзага чиқариш учун муносиб шарт-шароит таъминланмоқда.**

Бу ўринда, айниқса, "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг изчил ижроси юксак самара бераяпти. Зеро, таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар, изланиш ва янгиликлар, иқтидорли ёшларимиз эришаётган ютуқ ва муваффақиятлар ушбу фикрнинг ҳаётий тасдиғидир.

Хўш, ёшларимизнинг қобилият ва иқтидорини кенг намоён қилиш борасидаги эзгу ишлар айнан нималарда кўринмоқда? Шубҳасиз, бугун бу борада ихтисослашган таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг ўзи қизиққан ихтисослик йўналиши бўйича касб танлашига кўмаклашиш каби усуллар муҳим аҳамият касб этаяпти. Яна ҳам аниқроғи, юртимизда ихтисослашган таълим тизими йўлга қўйилганлиги ва мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишга жиддий эътибор қаратилаётгани боис келажагимиз ворислари бўлмиш ёшларимизга тегишли соҳалар бўйича пухта билим беришга, улардаги мавжуд қобилиятни юзага чиқаришга эришилмоқда. Хусусан, ўқув-тарбия жараёни ихтисослаштирилган синфлар ва мактабларда 2-9 синфлар кесимида, махсус мактаб-интернатларда эса 5-9 синфлар доирасида ташкил этилиши белгиланди. Бугун бундай масканлардаги истеъдодли болаларнинг пухта билим олиши, дунёқараши, ижодий имкониятлари ҳамда қизиқишлари даражаси малакали мутахассислар иштирокида чуқур таҳлил қилиб борилмоқда.

**Таълим**

Қолаверса, мавжуд ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларида педагогик жамоаларга амалий ва услубий жиҳатдан кўмак бериш, мутахассисларнинг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, фаолияти асносида самарали натижаларга эришган изланувчан педагоглар тажрибасини оммалаштириш мақсадида республика Таълим маркази қошида ихтисослашган мактабларнинг "Директорлар кенгаши" тузилди. Эндиликда ўқитувчилар нафақат ўзлари фаолият юритаётган мактаб-интернат миқёсида, балки "Директорлар кенгаши" аъзоси сифатида ҳам иқтидорли ўқувчиларнинг ижодий салоҳиятини намоён этишга қаратилган муҳим чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқдалар.

Шундай самарали услублар натижасини Гулистон шаҳридаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўқув муассасасининг ижодий жамоаси айни пайтда хорижий тилларнинг янгича педагогик технологиялар асосида ўқитилиши борасида изланишлар олиб бормоқда. Мактаб-интернатда даставвал инглиз тилига ихтисослашган тизим амал қилган бўлса, ҳозирга келиб бу ерда рус, француз, немис тиллари ҳам чуқур ўргатилмоқда.

Эътиборлиси, ўқув муассасасида амалга оширилаётган ибратли ишлар республика миқёсида кенг оммалаштирилаётир. Мактаб-интернат педагоглари Россия, Германия, Япония, Франция, Буюк Британия мамлакатлари мутахассислари билан ҳамкорликда ишламоқдалар. Масалан, француз тили ўқитувчиси Адил Мингжигитов Францияда малака ошириб қайтгач, унинг раҳбарлигида махсус семинар-тренинглар мунтазам ташкил этилмоқда. Шунингдек, А. Акмамбетова, Д. Шарипова, А. Позилов, Т. Омонжулов, С. Қудратов, Х. Тошмаматов, Б. Тўйчибоев сингари тажрибали педагоглар ҳам таълим жараёнига ноанъанавий усулларни татбиқ этиш борасида намунали фаолият юритишаётир.

Энг муҳими, бугун таълим тизимининг барча жабҳаларида бўлгани каби ихтисослашган мактаблар фаолиятини жонлантириш масаласига чуқур эътибор қаратилмоқда. Бу эса, ўз ўрнида, ёшларимизнинг ўзлари танлаган таълим йўналишида пухта билим олишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

**Инобат УСМОНОВА,**
**республика Таълим марказининг ихтисослашган таълим бўлими мудири.**

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ●

**Пойтахтимиздаги "Жар" стадионида футбол бўйича 2011 йили Қатар давлати мезбонлик қиладиган Осиё чемпионатининг саралаш учрашуви ўтказилди. Унда "С" гуруҳи вакиллари — Ўзбекистон ва Малайзия терма жамоалари ўзаро куч синашдилар.**

# ЎЗБЕКИСТОН — МАЛАЙЗИЯ — 3:1



Ёдингизда бўлса, ҳамюртларимиз 2007 йилги Осиё чемпионатида Малайзия терма жамоаси устидан 5:0 ҳисобида йирик ғалабага эришгандилар. Бу сафарги беллашувда 3:1 ҳисоби қайд этилди.

Бош мураббий Миржалол Қосимов ўйин олдидан ўтказилган матбуот анжуманида рақибнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, ўйинни иккита ҳужумчи билан бошлашни режалаштираётганини айтганди. Аммо учрашувдан бир кун аввал "Пахтакор" ҳужумчиси Александр Гейнрихнинг бетоб бўлиб қолиши мураббийнинг режаларини ўзгартириб юборди. Яъни, сўнгги пайтларда одатий бўлган кучли марказга таянган ҳолда битта ҳужумчи (Анвар Солиев) майдонга туширилди.

Бундан ташқари, таркибда бошқа ўзгаришлар ҳам рўй берди. Жумладан, Мурод Холмуҳамедов миллий терма жамоадаги илк дебют ўйинидаёқ асосий таркибдан жой олган бўлса, Камолиддин Тожиев ҳимояда Анзур Исмоилов (дисквалификация муддатини ўтамоқда) ўрнини эгаллади.

Тезкор гол уришни мақсад қилган мезбонлар ҳисобни очиш учун илк дақиқалардан ҳужумга зўр беришди ва меҳмонлар дарвозаси олдида қатор хавфли вазиятларни содир этишди. Афсуски, йўлланган зарбалар ё ноаниқ ёки дарвозабон учун "ўлжа" бўлди.

Иккинчи бўлимда мураббий ўйинда ўзини у қадар кўрсата олмаган ярим ҳимоячи — Азиз Ибрагимовнинг ўрнига ҳужумчи Александр Гейнрихни майдонга туширди. Унинг индивидуал маҳорати эвазига ҳужумлар янада кескин кўриниш олди. Аввалига айнан у бошлаган ҳужумни терма жамоа сардори Сервер Жепаров гол билан якунлади. Сўнгра 57 ва 65-дақиқаларда Гейнрихнинг ўзи бир хил услубда, лекин томошабоп чиройли тўпларни киритди. Ҳисоб йирик кўринишга келгач, ўйин суръати бир оз пасайди. Футболчиларимиз анча хотиржамликка берилишди. Малайзиялик футболчилар эса, бундан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишди. 68-дақиқада қанотдан жарима зарбаси амалга оширилди ва Закуан тўпга биринчи бўлиб етиб келиб, ҳисобни қисқартиришга муваффақ бўлди.

Ўзбекистон терма жамоаси ушбу ғалабадан сўнг 6 очко билан "С" гуруҳида пешқадам бўлиб олди. Ушбу жамоаларнинг жавоб учрашуви эртага — 18 ноябрь куни Малайзия пойтахти Куала-Лумпурдаги "Букит Жалил" стадионида, Тошкент вақти билан соат 14:30 да бошланади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**

# Жаҳон чемпионатидаги муваффақият

**Санкт-Петербург(Россия)да батутда сакраш бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати якунланди.**

Мусобақада Екатерина Хилько ва Анна Савкина жуфтлиги Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилди. Вакилларимиз дастурдаги батутда синхрон сакраш баҳсларида 45,300 балл тўплаб, жаҳон чемпионатининг бронза медаллари билан тақдирланишди. Биринчи ўрин Хитой, иккинчи ўрин эса Канада мамлакати спортчиларига насиб этди.

Хабарингиз бор, Екатерина Хилько ва Анна Савкина тандеми шу йилнинг сентябрь ойида Германияда ўтган жаҳон кубогининг навбатдаги босқичида батутда синхрон сакраш бўйича 46,10 балл жамғариб, олтин медаль соҳиби бўлганди.



# «Семурғ»нинг янги қиёфаси

**Бухоро шаҳридаги "Семурғ" сузиш ҳавзаси мукаммал таъмирланди.**

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали томонидан молиялаштирилган объектга 104 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланиб, сувни фильтрлаш ускуналари, ювиниш хоналари янгиланди. Пардозлаш ишлари бажарилди.

Эндиликда бу ерда нафақат республика, балки халқаро миқёсдаги мусобақаларни ҳам ўтказиш мумкин. "Семурғ"да бир кунда 120 нафар ўғил-қиз малакали мураббийлар қўл остида спортнинг сузиш тури билан шуғулланиш имконига эга.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ АХБОРОТ ФАОЛИЯТИ ВА МАЪЛУМОТЛАР УЗАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИССИЯСИ**

**телерадиоэшиттириш соҳасида телерадиочастоталарни тақсимлаш ва фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига якка тартибда лицензиялар бериш учун танлов**

***эълон қилади.***

**Танлов ўтказиш муддати — 2010 йил 14 январь соат 11.00 да.**
**Танлов ўтказиш жойи: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, Ҳукумат уйи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлислар зали.**

**ТАНЛОВГА ҚЎЙИЛГАН ТЕЛЕРАДИОЧАСТОТАЛАР:**

| | Частота | Узатгич қуввати | Тарқатиш ҳудуди |
|---|---|---|---|
| Радиодастурларни тарқатиш (трансляция қилиш) | | | |
| 1-лот | 101,0 МГц | 1000 Вт | Нукус шаҳри ва атроф ҳудудлари |
| 2-лот | 101,0 МГц | 500 Вт | Андижон шаҳри ва атроф ҳудудлари |
| 3-лот | 101,0 МГц | 300 Вт | Қарши шаҳри |
| 4-лот | 106,0 МГц | 300 Вт | Учқизил пункти ва атроф ҳудудлари (Сурхондарё вилояти) |
| 5-лот | 104,4 МГц | 200 Вт | Тошкент шаҳри |
| Телевидение эшиттиришларини тарқатиш (трансляция қилиш) | | | |
| 6-лот | 34-телевизион канал (частоталар полосалари 574,0 — 528,0 МГц) | 500 Вт | Жиззах шаҳри |

**Буюртмалар учун аризалар қабул қилишнинг бошланиш муддати** — 2009 йил 17 ноябрь.
**Буюртмалар учун аризалар қабул қилишнинг тугаш муддати** — 2009 йил 16 декабрь.

**Буюртма учун ариза ва ҳужжатлар қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, Ҳукумат уйи. Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссияси ишчи гуруҳи. Маълумот учун телефонлар: (+998 71) 239-84-57, 239-46-13, 239-46-04.**

Пул ўтказиш учун банк ҳисоб рақамлари, танлов шартлари, буюртманомага илова қилинадиган ҳужжатлар, лицензия талаблари ва шартлари, телерадиоэшиттириш соҳасида телерадиочастоталардан фойдаланишга танловда иштирок этиш учун буюртма шакли билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги **(www.aci.uz)**, Давлат алоқа инспекцияси **(www.gis.uz)** веб-сайтларида танишиш мумкин.

1211R/1639


# ОБ-ҲАВО (17 ноябрь)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ атрофида, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ ўртасида, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларга кечаси ва эрталаб туман тушади. Ҳарорат тунда 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ атрофида, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ ўртасида, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Тунда 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ атрофида, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Ҳарорат тунда 0-2 даража илиқ, кундузи 10-12 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси таниқли режиссёр, Ўзбекистон халқ артисти
**Абдурашид РАҲИМОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси Телерадиодастурларни мониторинг ва таҳлил қилиш бўлими бош мутахассиси Ўрол Ўтаевга акаси, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси
**Аҳмад ЎТАЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси тизимидаги Минерал ресурслар илмий тадқиқот институти жамоаси меҳнат фахрийси, геология-минералогия фанлари номзоди
**Владимир Сергеевич ПОПОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Бадиий академияси академик, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Абдураҳим Умаровга волидаи муҳтарамаси
**САНТАЛАТ аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА жамоаси Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича собиқ фотомухбири
**Омонбой МУРОДОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1003. 32963 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t]-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Қ. Ҳидиров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 00.10

1 2 4 5